



Куръон хомилларининг ахлоки (12-кисм)

(Давоми...)

Куръон ўрганувчидан бирон нарса умид килмаслик

1. Абу Умар Зазан айтади: «Ибн Масъуднинг олдига кирсам, у ипак аралашган кийим ва яманликларнинг либосидан кийиб олган экан. Бошкалар мажлисга мендан олдин келишибди. Мен унга: «Эй Абдуллох, мен кўр одам бўлганим учун манавиларни ўзингга якин килиб, мени четлатдингми?» деб бакирдим. Шунда у: «Якин келавер», деди. Бас, мен унга орамизда бир одам колгунича якин келдим».

Мухаммад ибн Хусайн айтадики: «Куръон ўқитувчи кишининг олдига бирор каттами-кичикми ёки янги ўрганмокчи бўлган одам келса, уларнинг хар бирига Бакара сурасидан ўқитишдан олдин алохида эътибор беришини, намозига, зарурат тугилганда имомликка ўтишига ярокли даражада «Алхамду»дан тўрттами ё еттитами сурани билиб олишини хисобга олишини, агар уларни мактабда ўрганган бўлиб, яхши ўқийдиган бўлса, фарзларни адо килишига ярокли даражада тилини тарбиялаб, тўгрилашини, сўнгра бошидан, Бакарадан ўргатишга тушишини тавсия киламан».

Шунингдек, ўргатувчи киши унга Куръон ўқиб берилганида ўқиб бераётган кишини яхшилаб тинглаши, бошка сўз ё нарса билан машгул бўлмаслиги керак. Энг яхшиси, муносиби шуки, ўқиб берувчи ундан фойда топиши ва у ўзи ҳам ўқиб берувчидан фойдаланиши ҳамда бошқадан тинглаганда кўпрок тадаббур килишидир. Кўпинча Куръонни бошқадан эшитганида унга кўпрок манфаат ва буюк ажр хосил бўлади ҳамда Аллох азза ва жалланинг: «**Куръон тиловат килганда уни тингланглар ва жим туринглар, шояд, рахматга эришсангиз**», деган сўзини амалга ошира олади.

Бас, агар бошкаси билан гаплашмай, жим кулок тутса, унга Аллохнинг рахмати етади ва бу ўқувчига ҳам кўпрок фойда беради. Набий (соллаллоху алайхи васаллам) Абдуллох ибн Масъудга: «Менга Куръон ўқиб бер», дедилар. У киши: «Эй Аллохнинг Расули, мен сизга ўқиб бераманми, холбуки, у сизга нозил бўлган бўлса?» дедилар. У Зот: «Мен ўзимдан бошқадан эшитишни хуш кўраман», деб жавоб бердилар.

1. Абдуллох ибн Масъуддан ривоят килинади: «Расулulloх (соллаллоху алайхи васаллам) менга: «Куръон ўқиб бер», дедилар. Мен: «Эй Аллохнинг Расули, мен сизга ўқиб бераманми, холбуки, у сизга нозил бўлган бўлса?» дедим. У зот: «Мен ўзимдан бошқадан эшитишни хуш кўраман», дедилар. Мен Нисо сурасининг аввалидан ўқий бошладим. « **Хар бир умматдан бир гувоҳ келтириб, сени уларнинг хаммасига**

гувоҳ этиб келтирган чоғимизда хол кандок бўлур?!

» оятига

келганимда у Зот менга: «Бўлди», дедилар. Карасам, икки кўзлари ёш куяётган экан».

Куръон ўқитаётган киши дарс вақтида фақат бир кишини тинглагани, унга иккинчи кишининг кўшилмагани яхши. Мана шу ҳамма учун фойдалироқдир. Аммо талкин килиб ўқиб беришга келсак, устоз кўпчиликка бир йўла ўқиб берса бўлаверади. Шунингдек, Куръон ўқиб бераётган кишига агар хато килса, кўполлик килмаслиги, юмшок муомалада бўлиши, шафкатсизлик килмаслиги, балки сабр этиши лозимдир. Зеро, унга кўполлик килса, нафратланиб қолиши мумкин. Осони масжидга кайтиб келмай кўя қолади. Холбуки, Набий (соллаллоху алайхи васаллам): «Таълим беринглар, аммо кўполлик килманглар, зеро таълим берувчи кўполлик килувчидан яхшироқдир» ва яна: «Сизлар фақатгина осонлаштирувчи килиб юборилдингиз, кийинлаштирувчи килиб юборилмадингиз», деганлар.

1. Абу Хурайра (розияллоху анху)дан ривоят қилинади. Расулulloх (соллаллоху алайхи васаллам): «Таълим беринглар, аммо кўполлик килманглар, зеро таълим берувчи кўполлик килувчидан яхшироқдир», деганлар. [1]

2. Анас ибн Молик (розияллоху анху)дан ривоят қилинади. Набий (соллаллоху алайхи васаллам): «Осонлаштиринглар, кийинлаштирманглар, хотиржам килинглар, чўчитиб кўрkitманглар», деганлар. [2]

3. Амр ибн Омир Бажалий айтишича, Умар ибн Хаттоб: «Илм ўрганинглар ва илм учун босиклик ҳамда халимликни ҳам ўрганинглар. Таълим бераётган кишиларингизга тавозели бўлинглар, улар ҳам сизларга тавозели бўлишсин. Шафкатсиз уламолар бўлманглар. Илмингиз жахлингизни кўзгатмасин», деганлар. [3]

Мухаммад ибн Хусайн айтадики: «Кимнинг ахлоки мана шундай бўлса, унга ўқиб берган киши манфаат топади.

Кимки Аллох азза ва жалла учун Куръон ўқитса, Куръон ўқиб бераётган кишидан хожатларини чиқариб беришини сўрашдан ўзини сакласин. Ундан хизмат талаб килмасин, ўзининг хожатини унга юкласин. Агар, бордию бирор хожати бўлса ҳам, уни ўзига ўқиб бермайдиган кишига топширсин. Мен унга Куръонни у билан хожатлар чиқариладиган нарса бўлиб қолишидан саклашини ва агар бирор хожати бўлса, унинг раво бўлишини Карамли Мавлосидан сўрашини тавсия қиламан. Аммо бирорта биродари ундан илтимос қилинмаса ҳам, ўзича ўша хожатини чиқариб берса, Аллохга шукр қилсин, чунки У Зот уни ҳеч қандай сўрашдан ва дунё ахлига хўрланишдан асрабди, хожатининг ечилишини осон қилибди. Сўнгра Аллох ушбу ишни кимнинг кўли ила жорий қилган бўлса, унга ҳам ташаккур айтади, чунки бу ҳам унга вожибдир.

Юкорида ушбу айтганларимга далолат килувчи хабарларни ривоят килдим. Китобимизга назар югуртирган кишининг фахму фаросати зиёда бўлиши учун улардан яна баён киламан, иншааллох».

1. Хасан ибн Робиъ Буроний айтади: «Мен Абдуллох ибн Идриснинг [4] олдида эдим. Туриб кетаётганимда у менга: «Ушноннинг

[5] нархини билиб бер», деди. Юриб кетаётган эдим, оркамга кайтарди ва: «Сўрамай кўя кол, чунки сен мендан хадис ёзиб оляпсан. Мен эса мендан хадис ёзиб олаётган кишидан бирор хожатни сўрашни ёктирмайман», деди».

2. Халаф ибн Тамим айтади: «Отам вафот этганида зиммасида карзи бор эди. Мен Хамза аз-Зайётнинг [6] олдида бориб, ундан хақдордан отамнинг карзини енгиллатишини сўраб беришини илтимос килдим. Шунда у менга: «Холинга вой бўлсин, у менга Куръон ўкиб беради-ку, мен эса менга Куръон ўкиб берувчи кишининг уйдан сув ичишни ҳам ёктирмайман», деди».

3. Абдуссомад ибн Язид айтади: «Мен Фузайл ибн Иёзнинг: «Куръон хомили бандалардан бирор кишига, халифадан бошлаб ундан куйидагиларгача хожати бўлмаслиги, балки одамларнинг унга хожати тушиши лозим», деганини эшитдим».

4. Робиъ ибн Анас [7] айтади: «Тавротда «Сенга текинга ўргатилгани каби сен ҳам текинга ўргат», деб ёзилган».

5. Абдуррахмон ибн Шибл (розияллоху анху)дан ривоят килинади. Расулуллох (соллаллоху алайхи васаллам): «Куръон ўкинлар! Унда гулувга ҳам кетманлар, [8]

[1] ундан узоклашманлар ҳам ва у билан тирикчилик килиб, мол-дунё кўпайтирманлар», дедилар.

[9]

6. Абу Хурайра (розияллоху анху)дан ривоят килинади. Расулуллох (соллаллоху алайхи васаллам): «Кимки факатгина Аллохнинг розилиги талаб килинадиган бирор илмни дунё матосига етишиш учун ўрганса, киёмат куни жаннатнинг хидини ҳам хидламайди», дедилар.

7. Абу Амр Зазан айтади: «Ким Куръонни одамлардан нарса ундириш учун ўкиса, киёмат куни юзи гўштсиз, кок суяк бўлган холида келади». [10]

8. Алкамадан ривоят килинади. Абдуллох ибн Масъуд (розияллоху анху): «Агар илм ахли илмни химоя килиб, уни ўз ахлига ўргатганларида ўз замондошларига бошлик бўлардилар. Лекин улар илмни дунё одамларига улардан бирор нарса ундириш максасида сочдилар, уни уларга енгиллаштириб бердилар. Мен Набийингизнинг: «Кимнинг бор ташвиши бир ташвиш – охират гами бўлса, Аллох унинг дунёдаги ташвишларига кифоя килади. Кимнинг ташвишлари уни дунё ишларига урса, Аллох уни дунёнинг кайси водийсида халок бўлишига эътибор бермайди», деганларини эшитганман», деганлар. [11]

9. Исо ибн Умар ан-Нахвий айтади: «Мен Хасаннинг: «Бу Куръонни уч хил киши

Ўқийди: кимдир уни ўқийди ва тирикчилик манбаи килиб олиб, шахарма-шахар кезиб юради. Иккинчи бир киши унинг харфларини жойига қўйиб ўқийди, аммо чегараларини бузади. Хатто у: «Аллохга касамки, Куръоннинг бирор харфини ҳам тушириб колдирмайман», дейди. Аллох уларга кабрларни кўпайтирсин ва замонамизни (дунёни) улардан тозаласин. Аллохга касамки, улар тахт устидаги тахт сохибидан ҳам, минбарда турган минбар сохибидан ҳам кибрлидирлар. Учинчи бир киши уни ўқиб, тунларини бедор, кундузларини ташналикда ўтказади, у билан шахватларини тияди. Улар кулохларида бўйин эгиб, меҳробларида чўккалаб ўтирадилар. Улар туфайли Аллох бизлардан душманларимизни кайтаради ва улар сабабидан Аллох бизларни сероб килади. Куръон ахли ичида бу навдагилари олтингургуртдан [\[12\]](#) хам кам», деганларини эшитдим».

Мухаммад ибн Хусайн айтади: «Бу маънодаги хабарлар жуда хам кўп. Ахли Куръонларга килган бу насихатимдан мақсадим – уларнинг саъй-харакатлари беҳуда кетмасин. Зеро, улар агар дунё одамларига уларнинг бойликларидан умид килиб, Куръон ўргатишлари билан дунё шон-шарафини истасалар, охиратдаги хурмат ва шарафдан махрум бўлиб коладилар. Аллохнинг Ўзи Куръон хомилларини бундан асрасин».

Мусулмонларга Куръон ўқитишга киришган киши Куръон одоби билан одобланиши, унинг савобини Аллохдан кутиши, Куръон билан барча одамлардан беҳожат бўлишга интилиши ва ўзини паст олиши лозим, токи Аллохнинг хузурида кадри баланд бўлсин.

1. Хаммод ибн Зайд айтади: «Мен Айюбнинг [\[13\]](#) : «Олим киши Аллох учун ўзини паст тутиш мақсадида бошига кул қўйиб олиши лозим», деганини эшитдим».

[\[14\]](#)

(Давоми бор...)

[1] Бу хадиснинг санади заиф. Аммо унинг маъносини кувватловчи бошка сахих хадислар бор. Имом Бухорий, Ахмад ва Дайлабийлар Ибн Аббос розияллоху анхудан ривоят килдилар: «Расулulloх соллаллоху алайхи васаллам: « Таълим беринглар, осонлаштинглар, кийинлаштирманглар. Качон бирортангизнинг газаби келса, жим бўлсин, жим бўлсин, жим бўлсин», дедилар».

Имом Муслим Оиша розияллоху анхудан ривоят килган хадисда Расулulloх соллаллоху алайхи васаллам: «Албатта, Аллох азза ва жалла мени кўполлик килувчи этиб юбормади, лекин таълим берувчи ва осонлаштирувчи килиб юборди», деганлар.

Имом Муслим Абу Мусо Ашъарийдан ривоят килишича, Расулulloх соллаллоху алайхи васаллам у киши билан Муоз ибн Жабални Яманга жўнатаётиб: «Осонлаштинглар, кийинлаштирманглар, ўргатинглар, нафратлантирманглар», деганлар.

[2] Бу хадис муттафакун алайхдир.

[3] Наклнинг санадида заифлик бор. Аммо Байхакий «Шуъабул ийман»да уни худди шу лафз билан бошка санад оркали ривоят килган ва сахих, деган.

[4] Абдуллох ибн Идрис ибн Язид ибн Абдуррахмон ибн Асвад Абу Мухаммад Кўфий. Улуг тобеъинлардан, Ибн Хиббон уни ўз даврининг машхур олимлари каторида санаб ўтган.

[5] Ушнан ёки ишнан – асли форсча бўлган араблаган сўз бўлиб, «ишкор» деган маънода ишлатилади. У кумлик ерда ўсадиган маълум ўсимлик бўлиб, олдинда араблар ундан ёки унинг кайнатма сувидан кўл ва кийим ювишда ишкор – совун сифатида фойдаланишган. («Мисбахул мунир фи горибиш шархил кабир лир-Рофиъий»: Алиф боби, «Муъжамул васит»: Хамза боби.)

[6] Хамза ибн Хабиб аз-Зайёт ал-Корий ат-Тамимий ўз замонида Кўфанинг энг машхур, мўътабар кориларидан бўлган. Асли форслардан. Кул бўлиб, кейин озод килинган. Машхур етти корининг бири. Такво ва ибодатда ном чиқарган. Кироат, хадис ва фароиз илмида етук олим бўлган. Унинг аз-Зайёт – «ёғфуруш» дейилишига сабаб у Кўфадан Хулвонга ёғ олиб келиб сотар эди. Шунингдек, Хулвондан Кўфага пишлок ва ёнгок олиб келарди. Хусайн Жуъфий айтади: «Хамза гохида чанкаб колса, Куръон ўкиб бераётган кишидан олишга тўгри келиб колишидан кўркиб сув ичмас эди». Ибн Фузайл: «Мен Аллох Кўфа ахлидан балони факатгина Хамза сабабидан кайтаради, деб ўйлайман», деган. У киши 156 хижрий йилда Хулвонда 75 ёшдан ўтиб вафот этган. У зотга Аллохнинг раҳмати бўлсин.

[7] У кишининг таржимаи холи юкорида ўтган.

[8] Гулувга кетиш деб бирор нарсада хаддан ошиш, чегарадан чикиб кетишга айтилади.

[9] Бу хадис Имом Ахмаднинг «Муснад»ларида ҳам келган.

[10] Абу Амр Зазан ал-Киндий Кўфий Абу Хурайра, Оиша ва бир канча сахобалардан – Аллох улардан рози бўлсин – хадис тинглаган. Бу хадисни Имом Байхакий Бурайда розияллоху анху оркали Расулulloх соллаллоху алайхи васалламдан ривоят килган.

[11] Хадис жуда ҳам заиф.

[12] Демак, олтингугурт ўша даврларда бирор нарсанинг ўта ноёблигини ифодалаш учун мисол килинадиган даражада кам бўлган экан.

[13] Айюб ибн Абу Тамима Абу Бакр Басрий тобеъинларнинг пешволаридан, мўътабар факихлардан бўлган. Анас ибн Моликни кўрган. Хасан Басрий, Саид ибн Жубайр ва бошка кўп уламолардан ривоят килган. Ундан Суфёни Саврий, Шўъба, устози Ибн Сирин ва бошқалар ривоят килишган. Хасан Басрий: «Айюб Басра йигитларининг

сайидидир», дер эди. У киши 66 хижрий санада тугилиб, 131 йили вафот этган.

[14] Бу маънони Хатиб Багдодий ҳам Хаммод ибн Зайддан ўз санади орқали ривоят қилган.

Таржимон: Хасанхон Яҳё Абдулмажид